

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 10 июнь, № 121 (8183)

Жума

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КҮП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КҮРИБ ЧИҚДИЛАР

9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Фумио Кисиданинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтакавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Етакчилар мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шерикликнинг 20 йиллиги билан бир-бирини самимий қутлади.

2019 йил декабрь ойида Токио шаҳрида ўтган саммит ва олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, уларни амалий мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Узаро савдо ҳажми ортиб бормоқда — жорий йил бошидан товар айирбошлаш кўрсаткичлари икки баробарга ошди. Япония етакчи компанияла-

рининг иқтисодийетимизга тўғридан-тўғри инвестициялари кўпаймоқда, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида кўллаб янги кўша корхоналар ташкил этилмоқда. Энергетика қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, саноатда, шу жумладан, машинасозлик ва кимё тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш, меҳмонхоналар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича биргаликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда узаро ҳамкорликда илк бор ташкил этилган Япония Рақамли университети фаолият юрмоқда.

Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ва Ҳукумати Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Япониянинг

JICA агентлиги ва Халқаро ҳамкорлик банки — JBIC доирасида кўрсатилган молиявий ва молиявий-техник кўмак ҳажми 7 миллиард доллардан ошгани таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳукуват делегацияларининг жорий йилда ўтказилган сермаҳсул учрашу ва музокараларнинг натижалари юқори баҳоланди.

Етакчилар инновациялар, «яшил» иқтисодиёт, рақамли технологиялар, фан ва таълим соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурлари ва парламентлараро мулоқотни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

Осака шаҳрида ўтказилган «ЭКСПО — 2025» бутунжаҳон кўрғазмада Ўзбекистоннинг кенг миқёсли экспозициясини ташкил этишга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида халқаро кун тартибидagi масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Япония Бош вазири мамлакат БМТ Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши, Корея яриморлини ядровий қуролдан холи худудга айлантириш ва ўриланган япон фуқароларини қайтариш масалаларида Ўзбекистон муттасил кўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти Япония томонини Кумамото шаҳрида Сув саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади ҳамда Япония Ҳукумати раҳбари томонидан кенг миқомида барқарор тараққиёт ва раванққа эришиш мақсадида илгари сурилган Осиёда амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини кўллаб-қувватлашини билдирди.

Бош вазир Фумио Кисиди, ўз нав-

батиди, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшнчилик ва кенг кўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини ҳамда Афғонистонда бардавом тинчлик ва иқтисодий тикланишни таъминлашга кўрсатаётган кўмагини юксак баҳолади.

«Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида узаро манфаатли ҳамкорликнинг бутун салоҳиятини ишга солишдан иккала томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Сўхбат якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Фумио Кисидани мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга тақдир қилди.

Ўзбекистон ва Япония етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимидек очиқ, дўстона ва ишчан рўхта бўлди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИСҲОҚХОН ИБРАТНОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маърифатпарвар олим, Шарқ ва Ғарб тилларининг билимдон Исоқхон Ибрагин эркин хотираси ҳамда номини абадийлаштириш, Наманган вилоятида хоржиқ тилларни мукаммал эгаллаган, чўкур билимга эга бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хоржиқ тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Наманган вилояти ҳокимлигининг Наманган шаҳрида **Исоқхон Ибратномидаги Наманган давлат чет тиллари институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифни маъқулансин.

Белгилансинки, Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади.

2. Кўриб чиқилган **Институт фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

халқаро баҳолаш дастурларидан (PISA, TALIS, PIRLS) фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий шакллари ҳамда методларини жорий этиш, ушбу билим ва кўникмаларга эга бўлган олий таълим муассасалари мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

ўз таълим дастурларини халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингини биринчи 1000 талик рўйхатга кирган хоржиқ олий таълим муассасаларининг дастурлари асосида шакллантириш;

чет тилларини ўқитишнинг интерфаол воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида чет тилларини ўрганишни оммалаштиришга кўмаклашиш;

таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқув жараёнига рақамли технологияларни татбиқ қилиш, талабаларда синхрон, бадиий, кетма-кет ҳамда илмий-техник таржима кўникмаларини шакллантириш;

чет тиллар бўйича маҳаллий ва хоржиқ профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш, ахборот-ресурс

марказларни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш ҳамда уларни мунтазам янгилаб бориш;

Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш бориш, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хоржиқ олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хоржиқ мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўша таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Қўйидагилар:

Исоқхон Ибратномидаги Наманган давлат чет тиллари институти фаолиятини ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 1-иловага мувофиқ;

Исоқхон Ибратномидаги Наманган давлат чет тиллари институтини **2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Исоқхон Ибратномидаги Наманган давлат

чет тиллари институтида ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Институтда ўқув жараёни **2022/2023 ўқув йилидан** бошланади;

б) Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва кўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

в) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Институтнинг бакалаврият таълим йўналишларига кириш имтиҳонларида фанлар мажмуасидаги **чет тили фанидан 4 та кўникмани** (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) баҳолашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилади. Бунда: чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

(Давоми 3-бетда).

Жараён



ОЧИҚ, ШАФФОФ ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ МАЙДОНИ

Конституциявий комиссия Матбуот хизматига бугунги кунда қизғин иш жараёни кетмоқда. Халқимиз, кенг жамоатчиликда Конституциявий комиссия фаолияти, уларнинг йиғилишларида кўриб чиқилаётган масалалар ҳамда Бош қомусимизда қандай мазмундаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкинлиги ҳақидаги ўринли саволлар учраб турибди.

Матбуот хизмати аъзолари ижтимоий тармоқлар, қолаверса, бошқа воситалар орқали халқимиздан келиб тушаётган ҳар бир савол ва тақлифларга эътибор қаратмоқда. Аҳоли ўртасида энг кўп учраётган саволларга ҳар ҳафтада камида бир марта ўқатилаётган матбуот анжумани, брифингларда жавоб бериляпти.

СЕНАТ АЪЗОЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар олиб бормоқда. Бу билан мазкур ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция лойиҳалари ва давлат дастурларини амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллабай ишлаш, «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари»ни юритиш ҳолати, фуқаролар мурожаатлари ҳамда аёллар муаммоларини тизимли ҳал этиш ва уларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш борасида белгиланган вазифалар ижросини таҳлил этиш мақсад қилинган.

Ўрганиш

Ўрганиш давомида сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатлари билан биргаликда шаҳар ва туманларга чиқиб, фуқаролар йиғинларида маҳаллабай, ҳонадонбай ишлаш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш,

тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, ободонлаштириш, ички йўللарни таъмирлаш даражаси билан ақидан танишди.

Айни чоғда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, дафтарларга киритилган фуқаролар билан манзилли ишлаш, бозорларда нарх-навоининг барқарорлигини таъмин-

лаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳам атрафлича ўрганилади.

Шу билан бирга, БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи ҳудудини экология инновацион ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чора-тадбирлари, бу борада давлат раҳбарининг 2021 йил 29 июлда қабул қилинган қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган лойиҳалар кўздан кечирилди.

Қолаверса, «Яшил макон» умумиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар таҳлилдан ўтказилиши режалаштирилган.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳоқир Тожиёв Амударё туманида амалга оширилган ишлар билан танишмоқда.

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган

йиғилишда юқорида келтирилган вазифалар юзасидан рўйбга чиқарилган ишлар ҳолати таҳлил қилинди.

Туман ҳокими ўринбосарлари, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғилишда мутахассисларнинг ҳисоботлари тингланиб, ижро масъулиятини янада ошириш юзасидан тегишли тавсия ва тақлифлар берилди.

Парламент юқори палатаси Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев эса Мўйноқ туманида бўлиб, учрашув ташкил этди.

Унда Жўқорги Кенгес ва халқ депутатлари Мўйноқ тумани Кенгаши депутатлари, Ички ишлар ва Маданият вазириликлари, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, ёшлар етакчилиги ва янги сайланган маҳалла раислари иштирок этди.



(Давоми 2, 3-бетларда).

МУМТОЗ МУСИҚАМИЗ ФИДОЙИСИГА ЭҲТИРОМ

Миллий муסיқамизнинг бебаҳолиги, бетақдорлигини тарғиб этишда устоз санъаткорларнинг ўрни, заҳматли меҳнатлари беқийсдир. Атоқли бастакор Абдуҳошим Исмоилов миллий муסיқа санъатимизни мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида тарғиб этишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ў.А.) олоғи суратдор.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан миллий санъатимизга кўрсатилаётган эътибор, айниқса, мақом санъатини янада раванқ топтиришда, устозлар ижодини ардоқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ устоз санъаткор Абдуҳошим Исмоилов «Ўзбекистон Республика-

сида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирланди.

Тантанали кечда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов мукофотни устоз санъаткорга топширди.

Абдуҳошим Исмоилов Фарғона вилоятининг Қува туманида таваллуд топди. У кўп йиллар давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси қошидаги «Мақом» ансамблида созанда, муסיқа раҳбари, бадиий раҳбар каби вазифаларда самарали фаолият кўрсатди.

Ҳозирги кунда Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблига бадиий раҳбарлик қилиб келаётган Абдуҳошим Исмоилов ижодига нозиклик ва майинлик, ноталардаги ранг-баранг усуллари усталик ва моҳирона ишлаш хос. Миллий муסיқа санъатимизни баралла тараннум этиш, тарғиб қилиш,

уни янада раванқ топтиришда устоз санъаткорнинг хизматлари гоят катта.

Устоз санъаткор репертуваридан йирик халқ чолғу куйлари («Чўли Ироқ», «Насруллоий», «Наврўзи Аҷам» ва бошқалар), мақом йўллари («Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Дугоҳ») ва бошқалар) кенг ўрин олган. Бастакор сифатида ўзи-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Почта алоқаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 18 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқуланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади почта алоқаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонунчилик

Почта алоқаси тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
адресат — ўзига почта ёки курьерлик жўнатмаси жўнатилмаётган юридик ёки ҳисмоний шахс;
ёзма хат-хабарлар — оддий ва рўйхатга олинмаган хатлар, почта варақчалари, бандероллар, майда пакетлар, кўзи оқизлар учун жўнатмалар ва «М» коплири;
курьерлик жўнатмалари — жўнатилиши почта курьери орқали амалга оширилаётган, ҳужжатлар ва (ёки) товар жойланмаси мавжуд бўлган жўнатмалар;
посилка — белгиланган ўлчамдаги, оғирликдаги ва ўрводаги товар жойланмаси мавжуд бўлган, рўйхатга олинмаган почта жўнатмаси;

почта алоқаси — почта алоқаси воситалари ва объектиларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат бўлган, почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, ускуналар, таралар, техника ва транспорт воситалари;

почта алоқасининг миллий оператори — Ўзбекистон Республикасининг доирасида почта алоқаси хизматлари бозоридидаги таланиб қаноатлантириш, мажбурий равишда универсал почта хизматлари кўрсатиш бўйича вазифаларини ва Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўз зиммасига юклатилган почта алоқаси оператори;

почта алоқаси объектилари — почта алоқаси операторининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);

почта алоқаси оператори — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича юридик шахс;

почта алоқаси провайдери — почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта алоқаси хизматлари кўрсатиш юридик шахси;

почта алоқаси тармоғи — почта алоқаси воситалари, объектилари ва почта йўналишларининг мажмуи;

почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш — почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш, ташиш, етказиб бериш (топшириш) бўйича технологик операциялар мажмуи;

почта жўнатмалари — почта жўнатмасида кўрсатилган почта манзили бўйича адресатга жўнатиш учун почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан қабул қилинган ёзма хат-хабар жўнатмалари, посилкалар, пул маблағларининг почта ўтказмалари;

почта йўналиши — транспорт воситаларининг почта ва курьерлик жўнатмалари алмашинуви амалга ошириш учун почта алоқаси объектилари ўртасида, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш ва (ёки) етказиб бериш учун почта алоқаси объектилари ва фойдаланувчилар ўртасида белгиланган тартибда тасдиқланган ҳаракатланиш йўли;

почта курьери — почта алоқаси операторининг ёки провайдерининг ходими ёхуд рўйхатга олинмаган почта ва (ёки) курьерлик жўнатмасини бевосита жўнатувчидан почта алоқаси объектиларидан ташқарида қабул қиладиган ва (ёки) бундай почта ва (ёки) курьерлик жўнатмасини адресатга топширадиган, почта алоқаси оператори ёки провайдери билан шартномага эга бўлган ҳисмоний шахси;

почта хизмати — почта жўнатмаларини бир почта алоқаси объектдан (почта қутисидан, почтаматдан) бошқа почта алоқаси объектга (абонентнинг почта жавобини (қутисига), почтаматга) жўнатиш бўйича почта алоқаси хизмати;

(Давоми 2, 3-бетларда).

Н.УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Почта алоқаси тўғрисида

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

пул маблағларининг почта ўтказмаси – почта жўнатмаси бўлиб, жўнатувчи унинг воситасида ўзи почта алоқаси операторига тўлаган пул маблағлари суммасини адресатга тўлашни топширади.

<p>4-модда. Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар</p>
<p>Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар куйидагилардан иборат:</p> <p>кронийлик;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) учун универсал почта хизматларидан фойдалана олиш;</p> <p>почта алоқаси соҳасидаги техник талаблар, нормалар ва қоидаларнинг ягоналиги;</p> <p>фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиши;</p> <p>почта алоқасининг сирига риоя этилиши;</p> <p>ҳалқаро почта ва курьерлик жўнатмалари транзитининг эркинлиги.</p>
<p>2-боб. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш</p>
<p>5-модда. Почта алоқаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари</p>
<p>Почта алоқаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:</p> <p>универсал почта хизматларидан фойдалана олишни ва уларнинг сифатини таъминлаш;</p> <p>почта алоқасининг хавфсизлигини ва сирини таъминлаш;</p> <p>мажбурий техник талаблар, нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;</p> <p>почта алоқасини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш;</p> <p>инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>давлат-хусусий шериклини ривожлантириш;</p> <p>илгор инновацион, ахборот ва коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантириш;</p> <p>ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.</p>
<p>6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъхамасининг почта алоқаси соҳасидаги ваколатлари</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: </p> <p>почта алоқаси соҳасида яғ она давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;</p> <p>почта алоқаси соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди;</p> <p>почта алоқасининг миллий операторини тайинлайди;</p> <p>давлат ва ўҳжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳқимияти органларининг почта алоқаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;</p> <p>Фавқулодда вазиятларда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p>
<p>7-модда. Почта алоқаси соҳасидаги ваколатли давлат органи</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги почта алоқаси соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).</p> <p>Ваколатли давлат органи:</p> <p>почта алоқаси соҳасида яғона давлат сиёсатини амалга оширади; </p> <p>почта алоқаси соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;</p> <p>Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлайди;</p> <p>почта тўловининг давлат белгилари намуналарини, Почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги низомини тасдиқлайди, почта маркаларининг муомалага киритилишини ва муомаладан чиқарилишини амалга оширади, шунингдек почта маркаларини коллекциялаш туркумига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;</p> <p>почта тўлови давлат белгиларининг давлат коллекциясини шакллантиради, Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисидаги низомини тасдиқлайди;</p> <p>махсус хотира штемпелларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;</p> <p>универсал почта хизматларига оид тарифларни қонунчиликка мувофиқ тасдиқлайди;</p> <p>почта алоқаси тармоқлари ҳамда хизматларини ривожлантириш масалалари бўйича почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг фаолиятига кўмаклашади, ахборот хавфсизлигини ва почта алоқаси хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштиради;</p> <p>почта индексларини, шунингдек почта алоқаси операторлари ва провайдерлари учун мажбурий бўлган почта жўнатмалари ўтишининг назорат мuddатларини тасдиқлайди;</p> <p>франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун фойдаланиладиган почта алоқаси миллий операторининг транспорт воситаларига жойлаштириладиган махсус фарқлаш белгиларини тасдиқлайди;</p> <p>фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашади, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини кўриб чиқади;</p> <p>жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда почта алоқасининг миллий оператори учун Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича икни назорат қоидаларини тасдиқлайди;</p> <p>почта алоқа соҳасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказэётган махсус ваколатли давлат органига қонунчиликка мувофиқ унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кўмаклашади;</p> <p>почта алоқаси соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасини оширишни ташкил этади;</p> <p>почта алоқаси соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари бажарилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишувга кўра халқаро почта алмашинуви жойларини белгилайди.</p> <p>Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p>
<p>8-модда. Почта алоқаси соҳасидаги давлат назорати</p>
<p>Почта алоқаси соҳасида қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўқомназорат) амалга оширади.</p> <p>Ўқомназорат:</p> <p>почта алоқаси соҳасидаги қонунчилик, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя этилиши;</p> <p>ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг таъминланиши ва кўрсатиладиган почта алоқаси хизматларининг сифатига риоя этилиши;</p> <p>почта алоқаси хизматларини ривожлантиришга доир чоралар амалга оширилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.</p>
<p>3-боб. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш</p>
<p>9-модда. Почта алоқаси хизматлари</p>
<p>Почта алоқаси хизматлари почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта, курьерлик хизматлари ҳамда бошқа турдаги почта хизматлари тарзида шартнома асосида кўрсатилади.</p> <p>Почта хизматлари жумласига почта жўнатмаларини жўнатиш, шу жумладан тезлаштирилган почта режимида жўнатиш қиради.</p>

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан куйидаги турдаги почта хизматлари ҳам кўрсатилиши мумкин:

почта жўнатмаларини қўшимча жўнатиш ва қайтариш;

эзма хат-хабарлар ва посылкаларни ўраш;

почта жўнатмаларига илова қилинадиган манзил бланklarини, жойланма рўйхатларни, пул маблаглари почта ўтказмаларининг бланкаларини ва бошқа бланкаларни тўлдириш;

манзилларни ва эзма хабарларни ёзиш;

почта алоқаси хизматларини уйда кўрсатиш;

телеграф хабарларни ва бошқа хабарларни амалга ошириш;

почта тўлови давлат белгиларини ва филателгия маҳсулотларини реализация қилиш;

почта алоқаси соҳасидаги бошқа хизматлар.

Рўйхатга олиннадиган почта жўнатмаларини почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан почта куръери орқали жўнатиш бўйича кўрсатиладиган хизмат курьерлик хизматидир.

<p>10-модда. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари</p>
<p>Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайдиган ҳамда почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.</p> <p>Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида куйидагилар бўлиши керак:</p> <p>фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этишга доир талаблар;</p> <p>почта алоқаси операторларининг номли буюмларидан (штамплар, штемпеллар, муҳрлардан) фойдаланиш тартиби;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини расмийлаштириш стандартлари;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларининг турлари ҳамда уларнинг техник тавсифлари (чекланган ўлчамлари, оғирлиги, уларни ўраш ва бошқалар);</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш тартиби;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини саклаш мuddатлари;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини қўшимча жўнатиш ҳамда қайтариш шартлари;</p> <p>почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган ҳамда чекланган предметлар ва моддалар рўйхати;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини ўшлаб туриш ва кўздан кечириш тартиби;</p> <p>фойдаланувчиларнинг эътирозларини кўриб чиқиш тартиби;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси доирасида жўнатиладиган почта ва курьерлик жўнатмаларидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни олиб қўйиш тартиби;</p> <p>почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни йўқ қилиб ташлаш тартиби;</p> <p>универсал почта хизматлари кўрсатиш тартиби ва уларнинг сифат кўрсаткичлари.</p> <p>Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида қонунчиликка мувофиқ бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.</p>
<p>11-модда. Почта алоқаси сирини таъминлаш</p>
<p>Фойдаланувчиларнинг манзилига оид маълумотлар, почта ва курьерлик жўнатмалари ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборот, почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерларининг фаолияти соҳасига қирадиган бошқа хабарлар, шунингдек ушбу почта ва курьерлик жўнатмаларининг ўзи почта алоқасининг сирини ташкил этади.</p> <p>Ёзишмалар сири давлат томонидан қафолатланади.</p> <p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси сирига риоя этилишини қафолатлайди. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг барча ходимлари почта алоқаси сирини саклаши шарт.</p> <p>Почта алоқаси сирини таъминлаш мақсадида куйидагилар тақиқланади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно:</p> <p>бошқа шахсга почта ва курьерлик жўнатмалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек фойдаланувчиларнинг манзили ва шахсига доир маълумотларни маълум қилиш;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини очиш;</p> <p>фойдаланувчи ҳамда (ёки) унинг почта ва курьерлик жўнатмалари таркиби (жойланмаси) тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда йнгиш ёки тарқатиш.</p> <p>Почта алоқаси операторларининг, провайдерларининг почта алоқаси сири бузилишига йўл қўйган ходимлари белгиланган тартибда жавобгар бўлади.</p>
<p>12-модда. Универсал почта хизматлари</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча фойдаланувчилар учун белгиланган тарифлар ва сифат талаблари бўйича почта хизматларининг муайян рўйхатини доимий асосда тақдим этишга доир хизматлар универсал почта хизматларидир.</p> <p>Куйидагилар универсал почта хизматлари жумласига қиради:</p> <p>фойдаланувчиларнинг оддий эзма хат-хабарларни (почта varaқаларини, хатларни, бандеролларни ва майда пакетларни) жўнатиш бўйича эҳтиёжларини қаноатлантиришга доир почта хизматлари;</p> <p>кўзи ожизлар учун жўнатмалар алмашинувида кўзи ожизларнинг ва кўзи ожизлар учун мўлжалланган муассасаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш бўйича почта хизматлари.</p> <p>Фойдаланувчиларга универсал почта хизматлари Ўзбекистон Республикаси доирасида, мақбул нархлар бўйича кўрсатилади.</p> <p>Универсал почта хизматлари кўрсатиш мажбурияти почта алоқасининг миллий оператори зиммасига юклатилади.</p> <p>Куйидагилар универсал почта хизматларидан фойдаланиш ва ушбу хизматлар сифатининг давлат қафолатидир:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланувчилар учун универсал почта хизматларидан тенг ҳуқуқлар асосида фойдаланилишини;</p> <p>почта алоқаси объектларининг универсал почта хизматларидан фойдаланувчилар учун қулай режимда ишлашини;</p> <p>кўрсатилаётган универсал почта хизматларининг лозим даражадаги сифатини;</p> <p>универсал почта хизматлари учун тарифларнинг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш.</p>
<p>13-модда. Топширмалй қолган почта ва курьерлик жўнатмаларидан фойдаланиш</p>
<p>Почта ва курьерлик жўнатмасини фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги, адресрат кўчиб кетганиги йўд почта алоқаси оператори ва провайдери почта алоқаси хизматлари кўрсатиш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажара олиши имкониятини истисно этадиган бошқа ҳолатлар туфайли жўнатиш имкони бўлмаса, улар жўнатувчига Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган мuddатларда қайтарилади.</p> <p>Агар фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги туфайли етказиб берилмаган (топширмалй қолган) почта ёки курьерлик жўнатмаларини жўнатувчига қайтаришининг имкони бўлмаса ёҳуд жўнатувчи қайтарилган почта ёки курьерлик жўнатмаларини олишдан воз кечган тақдирда, улар тарқатилмай қолган жўнатмалар сифатида вақтинча саклаш учун почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан қабул қилинади.</p> <p>Тарқатилмай қолган почта ва курьерлик жўнатмаларини вақтинча саклаш қонунчиликда белгиланган тартибда почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан олти ой давомида амалга оширилади.</p> <p>Ушбу мuddанинг учинчи қисмида кўрсатилаган мuddат ўтганидан кейин:</p> <p>қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар ва бошқа предметлар белгиланган тартибда реализация қилинади ҳамда почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари харажатларининг ўрни қолгангидан кейин тушган пул маблаглари, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларида аниқланган пул маблаглари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига ўтказилади;</p> <p>ҳужжатлар (паспортлар, идентификацияловчи ID карталари, дипломлар, шаҳодатномалар, гувоҳномалар ва бошқалар) уларни берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга топширилади;</p> <p>хатлар тегишли далолатнома тўзлиб, йўқ қилиб ташланади.</p> <p>Адресратлари ва жўнатувчиларни қидиришинг имкони бўлмаганда, тарқатилмай қолган пул маблагларининг почта ўтказмалари почта алоқасининг миллий оператори томонидан ўн саккиз ой давомида сакланади, шундан кейин бу пул маблаглари маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади.</p>

<p>4-боб. Почта алоқасининг хавфсизлигини таъминлаш</p>
<p>14-модда. Почта алоқасининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари</p>
<p>Почта алоқасининг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилишга, почта ва курьерлик жўнатмаларининг, почта алоқаси воситаларининг бут сақланишини таъминлашга қаратилган, қонунчиликда белгиланган тадбирлар маҳмуидан иборатдир.</p> <p>Почта алоқаси хизматларини кўрсатишда почта алоқаси операторлари ва провайдерлари фойдаланувчиларининг ҳамда почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўради.</p> <p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари:</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш учун фойдаланиладиган техника ва транспорт воситаларининг ишлаб чиқариш-технологик мажмуаси хавфсизлигини;</p> <p>фойдаланувчилардан қабул қилинган почта ва курьерлик жўнатмаларининг бут сақланишини;</p> <p>почта ва курьерлик жўнатмаларидаги почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни аниқлашга қаратилган чоралар кўрилишини;</p> <p>почта сирининг, шунингдек тижорат, банк сирининг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирининг сақланишини;</p> <p>почта алоқаси хизматларини кўрсатишининг барча босқичларида хавфсизлик бўйича талабларга риоя этилишини таъминлаши шарт.</p> <p>Почта ва курьерлик жўнатмаларидаги жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни аниқлаш учун почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерлари почта ва курьерлик жўнатмаларини очмасдан улардаги мазкур предметлар ва моддаларни аниқлаш имконини берувчи махсус техник воситалардан фойдаланади.</p> <p>Почта ва курьерлик жўнатмаларини почта алоқаси хавфсизлиги нуқтаи назаридан назорат қилишни, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатишни амалга ошириш вақтида почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ҳамда моддалар аниқланган тақдирда, почта алоқаси операторлари ва провайдерлари бу ҳақда тегишли махсус ваколатли давлат органларига хабар бериши шарт.</p> <p>Почта ва курьерлик жўнатмаларини очиш улар аниқланган жойда ҳамда почта алоқаси оператори ва (ёки) провайдери ходимлари ҳозирлигида тегишли махсус ваколатли давлат органларининг вакиллари томонидан амалга оширилади.</p>
<p>15-модда. Почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатишдаги чекловлар</p>
<p>Почта алоқаси тармоғи орқали почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатишдаги чекловлар қонунчиликда белгиланади.</p> <p>Почта алоқаси оператори ва провайдери почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган жойланмаси бўлган почта ва курьерлик жўнатмаларини ўшлаб туриш ҳуқуқига эга.</p> <p>Почта алоқаси оператори ва провайдери қайси почта ва курьерлик жўнатмаларининг жойланмаси Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларинда назарда тутилган алоҳида аломатларига кўра жўнатилиши тақиқланган ёки почта алоқаси ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдиради, бошқа почта ва курьерлик жўнатмаларининг бузилишига (шикастланишига) олиб келиши мумкин, шунингдек аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга хавф туғдиради деб таҳмин қилиш учун асос берса, агар бу хавфни бошқа йўл билан бартараф этиб бўлмаса, уша почта ва курьерлик жўнатмаларини йўқ қилиш ҳуқуқига ёки йўқ қилишга ружхат бериш ҳуқуқига эга.</p>
<p>16-модда. Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва божхона расмийлаштируви</p>
<p>Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва божхона расмийлаштируви тартиби Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси билан белгиланади.</p>
<p>17-модда. Почта ва курьерлик жўнатмаларининг бут сақланишини таъминлаш</p>
<p>Почта ва курьерлик жўнатмаларининг бут сақланиши почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан таъминланади.</p> <p>Почта ва курьерлик жўнатмаларига ишлов бериш ва уларни саклаш амалга ошириладиган бинолар, хоналар зарур асбоб-ускуналар, қўриқлаш-ёнгин сигналлизация воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.</p> <p>Почта ва курьерлик жўнатмалари ташиладиган транспорт воситалари белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.</p> <p>Қийматли эълон қилинган ва (ёки) устама тўлови жўнатмалар қонунчиликда белгиланган тартибда сургуталаниши мумкин.</p>
<p>5-боб. Почта алоқаси соҳасидаги ташкилий ва иқтисодий асослар</p>
<p>18-модда. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов</p>
<p>Почта алоқаси хизматлари учун тўлов почта алоқаси оператори ва (ёки) провайдери томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича шартнома асосида амалга оширилади.</p> <p>Универсал почта хизматлари учун тўлов қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган тарифлар асосида аниқланади.</p> <p>Оддий ва рўйхатга олиннадиган хатлар ва бандеролларни, почта varaқаларини почта алоқасининг миллий оператори орқали жўнатиш учун тўлов уларга туширилган почта тўлови давлат белгилари билан тасдиқланади.</p>
<p>19-модда. Почта алоқаси тармоқларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш</p>
<p>Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан ўз маблаглари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблаглари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.</p> <p>Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, тувар жой даҳалари ҳамда мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳалаштирилаётганда ҳамда ривожлантирилаётганда маҳаллий давлат ҳқимияти органилари почта алоқаси объектларини уларда жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қурилишини шахарсозлик ҳужжатларига мувофиқ назарда тутиши керак.</p> <p>Почта алоқаси объектларини автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида, бозорлар ва мехмонхоналарда жойлаштириш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида почта алоқаси объектларининг бинолари ҳамда иншоотлари қурилиши учун ер участкалари бевосита уларга яқин жойлардан ажратилиши, шаҳарларда почтамтлар (почта алоқаси боғламалари) қурилиши учун эса шаҳарнинг марказий қисмидан, почта ва курьерлик жўнатмалари алмашинуви учун шарт-шароитлар таъминланган ҳолда ажратилиши керак.</p> <p>Аҳоли пунктларини ва айрим биноларни янгидан қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, фойдали казилмаларни қазиб олиш туфайли почта алоқаси объектларини кўчириш (қайта қуриш) бундай ишларнинг бюртмачиси томонидан унинг ўз маблаглари ҳисобидан, почта алоқаси операторларининг технологик шартларига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>Почта алоқасининг миллий операторига почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун назарда тутилган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида давлат ва жамоат эҳтиёжларига ер ажратиш тартибида берилади.</p> <p>Почта алоқаси объектларини жойлаштириш учун почта алоқасининг миллий операторига ер участкаларини бериш ваколатли давлат органининг муржоааитига кўра белгиланган тартибда амалга оширилади.</p>
<p>20-модда. Почта қутилари</p>
<p>Почта алоқаси миллий операторининг маъзили кўрсатилган оддий хатлар ва почта varaқаларини йнгиш учун мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги, махсус кулфланадиган қутиси почта қутисидир.</p> <p>Почта қутилари почта алоқасининг миллий оператори томонидан бинолар, иншоотлар ва фойдаланувчилар учун ҳамда оддий хатлар ва почта varaқаларини йнгиб олиш учун қулай бўлган жойларга маҳаллий икхро этувчи ҳқимият органилари, бинолар ва иншоотлар мулкдорлари (эгалари, фойдаланувчилари) билан келишган ҳолда жойлаштирилади.</p>

<p>21-модда. Абонент почта жавонлари ва яқка тартибдаги почта қутилари</p>
<p>Хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта ва курьерлик жўнатмалари келиб тушганлиги тўғрисидаги хабарномаларини адресатларга етказиб бериш учун мўлжалланган кулфланадиган қутичалардан иборат махсус жавон абонент почта жавонидир.</p> <p>Абонент почта жавонлари кўп қавртирالي уйлارнинг биринчи қаватлирга бў уйлар қурилаётган пайтда қурилиш ташкилотлари томонидан ўрнатилади. Абонент почта жавонларини олишга ва ўрнатишга доир харажатлар лойиҳа ташкилоти томонидан кўп қавртирالي уйларнинг қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилади.</p> <p>Аҳоли пунктларининг яқка тартибдаги иморатлар қурилган ҳудудларида почта жўнатмаларини етказиб бериш учун қулай бўлган жойларда яқка тартибдаги почта қутилари яқка тартибда қурилган уйларнинг мулкдорлари томонидан ўз ҳисобидан ўрнатилади.</p> <p>Абонент почта жавонларини, яқка тартибдаги почта қутиларини яроқли ҳолатда саклаб туриш тегишинча уй-жой фонди тасарруфида бўлган ташкилотлар ва (ёки) бошқарувчи ташкилотлар (бошқарувчи) томонидан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки уйларнинг (кўп қавртирالي уйларнинг тувар жойлари) мулкдорлари томонидан амалга оширилади.</p>
<p>22-модда. Почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун транспорт воситаларидан фойдаланиш</p>
<p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун ўзига тегишли транспорт воситаларидан фойдаланади, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларидан шартнома асосида фойдаланади.</p> <p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши керак. Почта алоқаси миллий операторининг транспорт воситаларини махсус фарқлаш белгилари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.</p> <p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларида бошқа ишларни бажариш учун уларнинг розилигисиз фойдаланилиши ҳамда улар олиб қўйилиши мумкин эмас.</p> <p>Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчиларни ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг хўжалик юритувчи субъектлари почта алоқаси операторлари ва провайдерлари билан почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун шартномалар тузишни рад этишга ҳақли эмас.</p> <p>Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта ва курьерлик жўнатмаларини ташииш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг қучалари бўйлаб, автомобиль йўлларида монеликсиз юриш ҳамда автомобиль, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектларига, юк (багаж) мажмуаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.</p>
<p>23-модда. Почта алоқаси операторларининг номли буюмлари</p>
<p>Почта алоқаси операторларининг номли буюми илова қилинадиган ҳужжатларга, почта ва курьерлик жўнатмаларига почта алоқаси объектининг номи, почта, курьерлик жўнатмаси қабул қилинган ҳамда келиб тушган сана ва бошқа ахборот кўрсатилган изларни тушириш учун мосламадан (штампдан) иборатдир.</p> <p>Почта алоқаси операторлари почта алоқаси объектларини илова қилинадиган ҳужжатлари, почта ва курьер</p>

Почта алоқаси

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари, кўрсатиләётган хизматлар ва ушбу хизматларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотдан фойдалана олиш; почта ва курьерлик жўнатмаларини ўзининг почта манзили бўйича, йўқлаб олиш тарзида ёки почтоматдан олиш;

ўзининг почта манзилига келиб тушган почта ёки курьерлик жўнатмаларидан воз кечиш;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланмасининг баҳоси суммасини жойланманинг ҳақиқий қийматига мувофиқ мустакил равишда аниқлаш;

почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши; пул маблағларининг почта ўтказмаларини почта манзили бўйича ёки йўқлаб олиш тарзида олиш;

почта ёки курьерлик хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган моддий зарарларнинг ўрни қопланиши, маънавий зиён компенсация қилиниши; мансабдор шахсларнинг фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан бевосита судга ёхуд бўйсунув тартибida юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат этиш.

Фойдаланувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28-модда. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Фойдаланувчилар: ушбу Қонун ҳамда Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари талабларига риоя этиши;

ўзига кўрсатилган почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўлаши; тақдирланган моддалар ва предметлар жўнатилишига йўл қўймаслиги;

почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг иш сифатини пасайтиришга қаратилган ҳаракатлари қўйламаслиги шарт.

Фойдаланувчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

29-модда. Почта алоқаси миллий операторининг мақоми, мутлак ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Почта алоқасининг миллий оператори почта алоқасининг Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларини Умумжаҳон почта иттифоқи ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажариш учун тайинланган оператори мақомига эга бўлади.

Почта алоқасининг миллий оператори қуйидаги мутлак ҳуқуқларга эга:

почта вагонларига ва почта қутиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш;

оддий хатларни, почта varaқачаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш бўйича почта хизматлари кўрсатиш, шунингдек ёзма хат-хабарларни, билдиришномаларни, чакирув қозғоларини ва бошқа юридик аҳамиятга эга ҳужжатлари Электрон почта жўнатмаларининг яғона миллий тизими орқали етказиб бериш (топириши);

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган нормативларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бунун ҳудудида оддий хатлари ва почта varaқачаларини ййғиш учун почта қутиларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш;

почта маркарларини, маркаланган конвертларни, маркаланган почта varaқачаларини тайёрлаш ҳамда тарқатишни ташкил этиш, шунингдек махус эсдалик штемпелларини тайёрлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш, почта маркарларининг расмий каталогларини нашр этиш;

почта маркарларининг номинал қийматини, коллекция қилинадиган почта маркарлари ва бошқа филиалыга махуслотларининг преёскурант нархларини белгилаш, шунингдек почта маркарларини халқаро каталогларга жойлаштириш;

бошқа давлатларнинг тайинланган почта алоқаси операторлари билан почта алоқаси соҳасида ҳамкорлик қилиш чоғида ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ифодалаш ва ҳимоя қилиш; кўрсатилган халқаро почта алоқаси хизматлари учун бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни олиб бориш;

Express Mail Service (EMS) халқаро кооперативида EMS логотипидан фойдаланиш ҳуққи билан Ўзбекистон Республикасининг вакили бўлиш.

Почта алоқасининг миллий оператори;

Ўзбекистон Республикасининг бунун ҳудудида ушбу Қонуннинг 12-моддасида белгиланган рўйхат бўйича универсал почта хизматларини кўрсатиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИСҲОҚХОН ИБРАТНОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

чет тили бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан ўқишга кириш синовларида касбий (ижодий) имтиҳонсиз максимал балл берилади;

г) Институтда талабаларга иккита хорижий тил бўйича квалификация бериш амалиёти йўлга қўйилади;

д) Институтнинг хорижий тилда мутахассислик фанларидан дарс берадиган С1 даражадан кам бўлмаган миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга ўқитувчиларга уларнинг базавий лавозим маошига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда қўшимча устама ҳақи тўлаб борилади**.

5. Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги (А.Тошқулов):

а) **2022 йил 1 августга қадар** Институтни тўлган асосида амалий таҳриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) **2023/2024 ўқув йилидан** бошлаб Институтнинг хорижий тиллар ўқитувчилари **С1 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини таъминласин;

в) **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб: Институтнинг ўқув жараёнига тил эгаси бўлган малакали хорижий мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштирсин. Бунда, хорижий мутахассисларнинг ойлик иш ҳақи Институт томонидан бозор конъюнктураси асосида белгиланади ҳамда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан тўланади;

Институтнинг **мутахассислик фанлари (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг В2 даражадан кам бўлмаган** миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро тан олинган сертификатга эга бўлишини таъминласин;

г) Институт талабаларининг **ўқув ва илмий амалиётларини хорижий давлатларда** ташкил этишга қўмаклашсин.

6. Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (С.Обидов) қуйидаги йўналлишларда Институтга аякндан қўмаклашсин:

хорихлик экспертларни жалб этган ҳолда Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун малака ошириш, жумладан, баъдий ва синкрон таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича курсларни ташкил қилишда; 10. Институтта профессор-ўқитувчиларида замонавий ўқитиш кўникмаларини шакллантиришда ва уларни чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича имтиҳонларга тайёрлашда;

Институтнинг бунд аудиторияларида хорижий тилларни ўқитиш курсларини ташкил этиш орқали талабаларга қўшимча даромад топишлари учун зарур шaroит яратишда;

аҳоли ва таълим муассасалари учун чет тилларни ўрганишда қўмак бeрyвчи контентларни шартнома асосида яратишда.

7. Институт Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузуридagi **Исоҳқон Ибрat номидagi ижод мактабининг** (кейинги ўринларда — Ижод мактаби) **таълим ҳамкори** этиб белгилансин.

Институт зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Почта алоқаси тўғрисида

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмини молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ пул маблағлари билан амалга оширилган операциялар тўғрисида қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махус ваколатли давлат органига ахборот тақдим этиши;

божхона органлари билан биргаликда халқаро почта алмашинуви жойларининг фаолият кўрсатишини ташкил этиши ва бевосита халқаро почта алмашинувини амалга ошириши;

почта календарь штемпелининг юридик жиҳатдан ҳақиқийлиги ва ишончилигини почта алоқаси хизматларини кўрсатиш технологияларига доир техник шартлар ва талабаларга мувофиқ кафолатлаши ҳамда таъминлаши шарт.

Почта алоқасининг миллий оператори бошқа мутлак ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин, шунингдек қонунчиликка мувофиқ унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

7-бoб. Яқунловчи қоидalar

30-модда. Халқаро ҳамкорлик

Почта алоқаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Умумжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлган ҳолда яғона почта ҳудудига киради ва ўзининг бунун ҳудудида халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари транзитининг эркинлигини кафолатлайди.

Почта алоқасининг халқаро ташкилотлари билан ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ҳамкорлик, почта алоқаси масалаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг халқаро-хуқуқий ҳимояси ваколатли давлат органи томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Почта алоқасининг миллий оператори ушбу Қонунга мувофиқ бошқа давлатларнинг тайинланган почта алоқаси операторлари билан ҳамкорлик қилади, Умумжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларида белгиланган қарорларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидаги уларга тааллуқли бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

31-модда. Фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрнини қонунчиликка мувофиқ қоплайди.

Почта алоқаси хизматлари кўрсатишда фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрни уларнинг талабига бйноан почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан қуйидаги ҳолларда ва миқдорларда қопланади:

бюуртма хат, бюуртма почта varaқачси, бюуртма бандерол ёки бюуртма майда пакет йўқотилганда – почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдоридa неустойка;

оддий посылка йўқотилганда – почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдоридa неустойка;

қиймати эълон қилинган посылка, бандерол ва хат йўқотилганда – эълон қилинган қийматининг икки баравари миқдоридa ва почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдоридa неустойка, бундан эълон қилинган қиймат учун тариф тўлови мустасно;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланма рўйхати билан жўнатилганда жойланманинг бир қисми етишмаганда ёки бузилганда (шикастланганда) – жойланманинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми оғирлигининг жўнатилаётган жойланманинг оғирлигига (почта ва курьерлик жўнатмаси ўрөвининг оғирлигисиз) нисбати билан мутаносиб тарзда аниқланадиган почта ва курьерлик жўнатмасининг қиймати эълон қилинган қисмининг икки баравари миқдоридa;

адресатга пул маблағларининг почта ўтказмаси бўйича пул тўланмаганда ёки нотўғри тўланганда ёхуд агар ўтказилган пулларни адресатга бeришнинг имкони бўлмаган бўлса, пуллар жўнатувчига тўланмаган бўлса – ўтказманинг тўланмаган ёки етарлича тўланмаган суммаси миқдоридa ҳамда почта алоқаси хизматига тўланган сумма миқдоридa неустойка;

устама тўловли ёзма хат-хабарлар ёки товарлар мавжуд бўлган посылкалар йўқотилганда, ўғирланганда ёки шикастланганда – шартномада белгиланган сумма миқдоридa ёки устама тўлов суммаси миқдоридa;

адресатдан устама тўлов суммаси етарлича олинмаганда ёки устама тўлов нотўғри тўланганда – олинмай қолган ёки нотўғри тўланган устама тўлов суммаси миқдоридa; қиймати эълон қилинган посылкалар, бандероллар ва хатларни, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда – ушлаб қолинган ҳар бир кун учун почта алоқаси хизматига тўланган сумманинг бир физи миқдоридa, лекин ушбу хизматга тўланган суммадан кўп бўлмаган миқдордa неустойка;

авиажўнатмаларни (бандеролларни, посылкаларни) жўнатиш ёки етказиб бeриш (топириш) назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда – авиа- ва ер усти транспортда жўнатиш ўртасидаги тўлов фарқи миқдоридa ва, бундан ташқари, ер усти транспорти орқали жўнатишнинг назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинган ҳар бир сутка учун – ушбу модда иккинчи қисмининг ўнчини хатбошисига мувофиқ;

халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари йўқотилганда, бузилганда (шикастланганда), жойланмалар етишмаганда, топширилмаганда, пул маблағларининг халқаро почта ўтказмалари амалга оширилмаганда – етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан аниқланадиган миқдорда қопланади.

Почта ва курьерлик жўнатмаларининг йўқотилганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги), топширилмаганлиги ёки уларни жўнатиш муддатлари бузилганлиги учун, агар бу қабилар ениб бўлмас куч ёки почта ва курьерлик жўнатмалари жойланмасининг хусусиятлари тўғрисида содир бўлганлиги исботланса, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона кўригидан ўтказиш муддатлари бузилганлиги ёхуд улар божхона органлари томонидан олиб қўйилганлиги учун почта алоқаси операторлари ва провайдерлари зарарларнинг ўрнини қопламайди.

32-модда. Эътирозларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда фойдаланувчи почта алоқаси оператори ёки провайдерига эътироз тақдим этишга, шу жумладан етказилган зарарнинг ўрни қопланиши тўғрисида талаб мавжуд бўлган эътироз тақдим этишга ҳақли.

Почта ва курьерлик жўнатмаси топширилмаганлиги, ўз вақтида етказиб бeрилмаганлиги ёки йўқотилганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги) ёхуд ўтказилган пул маблағлари тўланмаганлиги билан боғлиқ эътирозлар почта ва курьерлик жўнатмаси топширилган кундан эътиборан олти ой ичидa тақдим этилади.

Эътирозлар ёзма шаклда тақдим этилади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Эътирозларга ёзма жавоблар қуйидаги муддатларда бeрилиши керак:

бир аҳоли пункти доирасида жўнатиладиган (ўтказиладиган) почта ва курьерлик жўнатмаларига доир эътирозларга – беш кун ичидa; бошқа барча почта ва курьерлик жўнатмаларига доир эътирозларга – бир ой ичидa.

Почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига почта ва курьерлик жўнатмаси қабул қилинган ёки жўнатилиши белгиланган манзил бўйича эътироз тақдим этилиши мумкин.

Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини қидириб топиш бўйича эътирозлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда қабул қилинадиган ҳамда кўриб чиқилади.

33-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар почта алоқаси хизматларининг бошқа фойдаланувчиларига, почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига етказилган, жўнатилиши тақриқланган предметлар ва моддаларни почта ва курьерлик жўнатмаларига жойлаш натижасида ёки улар лозим даражада ўралмаганлиги натижасида юзага келган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Қалбақлаштирилган почта тўловларини давлат белгиларини ва номли бууюмларни тайёрлаганилик, сотганлик учун жавобгарлик

Қалбақлаштирилган почта тўловининг давлат белгиларини сотиш мақсасида тайёрлаганиликда ёки сотганиликда, шунингдек франкирлаш машиналарининг била туриб қалбақлаштирилган тамга изларидан ёки била туриб қалбақлаштирилган номли бууюмлардан фойдаланганиликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

ДАВР 3

2022 йил 10 июнь

35-модда. Почта алоқаси объектларидаги ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш

Почта алоқаси объектларидаги ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари почта алоқаси объектларидаги ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда почта алоқаси операторларига қўмаклашади.

Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатида почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига етказилган зарарларнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

36-модда. Низоларни ҳал этиш

Почта алоқаси соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

37-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Почта алоқаси тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Почта алоқаси тўғрисида**»ги 118–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлјисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 210-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлјисининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Почта алоқаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киришти ҳақида**»ги 119–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлјисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 211-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган «**Почта алоқаси тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонига ўзгартиш ва қўшимчалар киришти шаклида**»ги УРҚ–211-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлјиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 138-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киришти тўғрисида**»ги УРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлјиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **119-моддаси**.

39-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

40-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

41-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 9 июнь
№ УРҚ—777

СЕНАТ АЪЗОЛАРИ ҚОРАҚАЛПОғИСТОНДА

➡1 Учрашув давомида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар, аҳолининг тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ билан таъминлаш даража-си, ҳожим ёрдамчиларининг фаоли-яти, маҳаллаларни ободонлашти-риш, ички йўлларни таъмирлаш ма-салалари ҳақда сўз борди.

Шунингдек, учрашувда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик-нинг олдини олиш борасида қури-лаётган чоралар, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар даф-тари”га қиритилган фўқаролар бил-ан манзили ишлаш ва уларни даф-тардан чиқариш механизмлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, нотинч оилалар билан олиб бори-лаётган ишлар, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш масалалари ҳам муҳимамалар марказида бўлди.

Сенатнинг Хотин-қизлар ва ген-дер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова Тахиа-тош туманидаги 1-оилавий бола-лар уйи фаолияти, бу ердаги шароитлар билан танишди.

Бу муассаса Вазирлар Маҳжа-масининг 2007 йил 31 июлдаги қа-ро-ри асосида ташкил этилган. Болалар уйига Хўжайли туманидаги 1-

ОЧИҚ, ШАФФОФ ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ МАЙДОНИ

Бундан ташқари, фуқароларимизга конституциявий ислохотларга оид ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида тезкор, холис ва тўлақонли ахборот етказиш мақсадида аънавий оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги ахборот сайтлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Конституцияга концептуал ёки тахририй ўзгариш, қўшимчалар юзасидан тақлифларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, илмий-тадқиқот институтлари, талабалар, ишчи ходимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари асосланган тақлифларни йўллашда фаол иштирок этмоқда.

Тақлифларни қабул қилиш, ўрганиш, умумлаштириш кенг қамровда ва тизимли ташкил этилмоқда. Фуқаролар ёши, касби, ҳунари, қизиқиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ўзлари истоган воситалар орқали тақлиф, фикр йўллаш имкониятига эга бўлиди.

Хабарингиз бор, фуқароларга тақлифларни аънавий шаклда — маҳаллалар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига оғзаки ёки ёзма шаклда бериш, почта алоқаси орқали йўллаш, босма матбуот, телевидение, радио орқали билдириш имконияти яратилган.

Шунингдек, янги информация технологиялар ёрдамида хусусан "Meningkonstitutsiyam.uz" электрон платформаси, 1341 қисқа рақамли Call-маркази, электрон почта, "Telegram" мессенжердаги махсус бот орқали юборилмоқда.

9 июнь соат 20.00 ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича жами 9188 та тақлиф келиб тушди. Тақлифларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг 10956 тасининг ташаббускори эркеклар, 9590 таси эса аёллардир (2282 таси аноним).

Худудлар кесимидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозиргача Конституциявий комиссияга тақлифларни йўллаш борасида Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах вилоятларидаги фуқароларимиз бошқа худудларга нисбатан фаол бўлганини кўришимиз мумкин. Эътиборлиси, тақлифларнинг 70 фоиздан зиёди 30 ёшгача бўлган фуқаролардан келган. Бу эса ёшларимиз бугунги ислохотларда фаол эканлигини кўрсатади.

Тақлифларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилганидан бўлса, халқимиздан инсон шайни ҳамма нарсадан устун қўйиш, сифатли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаш ва ҳақ тўлаш, экологияга устувор аҳамият қаратиш, хусусий мулк ҳимоясини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш каби масалаларда конституциявий қарорларни кучайтиришга оид тақлифлар келиб тушган.

Конституциявий комиссия Матбуот хизмати фуқароларимизни фаолиқда бардавом бўлишга қақиради.

Конституциявий комиссия Матбуот хизмати.

ҲАЁТ ЮКСАЛИШЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Кейинги йилларда "Янги Ўзбекистон" тушунчаси нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам тез-тез тилга олинган бўлди. Бу, биринчи навбатда, жамият ва давлатни бошқариш тамойиллари, ижтимоий ҳаёт ва одамлар онги сезилари даражада ўзгарганини, янги босқичга кўтарилганини англатади. Ҳақиқатан, мустақиллик йилларида давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг ўзлигини англаш даражаси, талаб-эҳтиёжлари тубдан ўзгарди.



Таклиф

Конституция қабул қилинганидан буюн ўтган 30 йилда Ўзбекистон халқи ўз миллий давлатчилигини, ери ости ва ери усти бойликлариغا эгагини, миллий идентлигини, давлат тилини, тарихи ва маданиятини тиклабгина қолмай, тараққиётнинг янги сифат босқичига дадил қадам қўйди. Ёки миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичига ўтди.

Конституция Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини, суверенитетини мустаҳкамлади. Давлат ва жамият ҳаётининг асосий принципларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилади. Жамият ва шахс муносабатларининг асосий меъёрлари ва тамойилларини аъён қилди.

Айтиш жоизки, Конституциямиз халқаро экспертларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Конституциявий ҳуқуқ бўйича жаҳонда тан олинган француз олимларидан бири "Ақсарият гарб Конституциялари фақат ўз давлатининг Асосий Қонуни бўлиб қолган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса нафақат давлатнинг, шунингдек, фуқаролик жамиятининг ҳам асосий қонунидир", деган фикрни билдирган эди.

Ўтган 30 йиллик мустақил тараққиёт жараёнида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий ҳамда ташқи алоқаларда тўпланган тажрибаларни акс эттирадиган, мустаҳкамлайдиган, олдимизда турган улғур мақсадларга халқни сафарбар этадиган янги конституциявий меъёрларга эҳтиёж туғилди. Шу сабабдан юртимизда конституциявий ислохот ўтказиш лозим топилди. Бугун ўзбекистонликлар сўхбатларида, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда мамлакатимиз Конституциясига киритиш лозим ҳисобланган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича тақлиф ҳамда фикрлар кенг муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон халқаро алоқаларда ҳам катта тажриба тўплади. Қатор халқаро конвенциялар, битимларга қўшилди. Ўз зиммасига улар билан боғлиқ мажбуриятлар олди. Ўзбекистоннинг бу борада тўплаган тажрибаси ҳам Конституцияда акс этиши лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонуначилик палаталари қўшма қарори билан Конституциявий комиссия тузилди. Шу кунгача унинг иккита йўғилиши ўтказилди. Комиссия ишчи органи — Ийғам ахборот-таҳлил гуруҳи келиб тушаётган тақлифлар-

дан танлаб олинганларини ўз йўғилишида кўриб ҳам чиқди. ОАВДА батафсил ёритилгани боис бу ҳақда тўхталмаيمиз. Ақсинача, ўз тақлифларимизни билдирмоқчимиз.

Бош қомусимизнинг 7-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасида халқ манфаатларини кўзлаб" деб бошланадиган жумла "инсон ва халқ манфаатларини кўзлаб" дея ўзгаририлса, юртимизда инсон манфаатларига устуворлик берилаётгани таъкидланган бўларди.

14-моддада "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" дейилган. "Қонунийлик" сўзидан кейин "ҳамда зарур ҳолларда ижтимоий шериклик" дея тўғдирилса, юртимизда ривожланаётган ижтимоий муносабатлар ранг-баранглигига мос бўлар эди.

Шу моддани яна қуйидаги меъёр билан тўғдириши тақлиф этилди: "Ўзбекистон Республикасида инсон — жамият — давлат муносабатларида устуворлик инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига берилади.

Давлат ижтимоий шерикликнинг жамиятнинг демократлаштиришга, барқарор ривожлантиришга, фуқароларнинг бунёдкорлик фаолиятини оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қондаларига зид келмайдиган барча шакллари қўлаб-қувватланади".

17-моддани қуйидаги тўғдириши тақлиф этилди: "Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий блокларга аъзо бўлмайди. Ўз худудига ўзга давлатларнинг ҳарбий базаларни киритишини инкор қилади. Ҳарбий-сиёсий келишувлар, иттифоқлар бошқа давлатлар билан фақат икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилади".

18-модда бошига қуйидаги қўшимча киритилса ўринли бўлар эди: "Ўзбекистон Республикасида инсон манфаатлари барча нарсадан устун".

Бу эса 14-модда меъёрларини янада кучайтиришга ва теранлаштиришга хизмат қилади.

24-моддани: "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади", шаклида тўғдириш ўринлидир.

26-моддадаги "Жиноят содир этганлик-

да айбланаётган ҳар бир шахснинг" деб бошланадиган меъёр кичик тахрир қилиниб "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсга айбсизлик презумпцияси қўлланилади, унинг иши" дея матндагидек давом этирилиши мақсадга мувофиқ.

32-модданинг "Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш" жумласидан кейин "очиқ бюджетни тақсимлашда иштирок этиш" сўзларини қўшиш янги Ўзбекистонда халқнинг давлатни бошқаришдаги ҳиссаси ошиб бораётганини кўрсатади.

35-модда биринчи хат бошисидан кейин қуйидаги қўшимча тақлиф қилинади: "Аризалар, муҳожаатлар Давлат хизматлари агентлиги маҳаллий бўлинулари, Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхоналар ва белгиланган бошқа ташкилий шаклларда амалга оширилиши мумкин".

Шунингдек, "Жамият ва шахс" деб номланган учинчи бўлимга "Маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" номи янги боби киритиш тақлиф этилади.

Унда қуйидаги янги модда акс этиши маъкул: "Ўзбекистон Республикасида маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ўлароқ, фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари ҳисобланади. Мазкур институтлар орқали фуқаролар жамиятни ва давлатни бошқаришда фаол иштирок этадилар.

Маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади".

Бундан ташқари, кейинги йиллар тажрибаси асосида қонунчилик ташаббускорлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда улар қаторига Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий Кенгашларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда 83-моддадаги "Олий Мажлиснинг Қонуначилик палатаси депутатлари" жумласидан кейин "Олий Мажлис Сенати аъзолари ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари" жумласини қўшиш мақсадга мувофиқ.

Хокимият тармоқлари ажратилишини мустаҳкамлаш давом этириш мақсадида 99-моддага қуйидагиларни қўшиш ўринлидир: "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликларни ўзларининг алоҳида бионалирга, апаратурага, реквизицаларига, ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари апарати шатаи худуднинг аҳоли сони, майдони, бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари билан белгиланади.

Кенгаш аппарати таркибига доимий асосда ишлаш учун депутатларнинг бир қисми жалб этилиши мумкин".

Умуман, ушбу тақлифлар ҳам Ўзбекистонимизнинг ҳозирги ва келгуси тараққиёт талабларига Конституциямизни яхшироқ мослаштиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Абдурахим ЭРКАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШИ ЛОЗИМ

Барча тараққий этган мамлакатларда саломатлик инсоннинг энг муҳим бойлиги ҳисобланади. Соғлом инсон исталган жамиятда катта кучга эга яратувчанлик вазифасини бажаради ҳамда руҳий, интеллектуал ва жисмоний қобилиятнинг манбаси ҳисобланади. Мамлакатда аҳолининг саломатлик даражаси миллат генофондининг яхшиланишига, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлади.

Аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналиши сифатида белгиланган бўлиши ҳам бежиз эмас.

Охириги йилларда халқимизга сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида жуда кўп ишлар қилинди. Аввало, тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилди. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм йўналтирилди. Бу маблаг 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўйди.

Қолаверса, бирламчи тиббиёт бўғинини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада "хонадонбай" ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан яна бири — давлат шифонахалари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланмоқда. Авваллари бундай хизматлар фақат стоматология бўйича кўрсатилган бўлса, айни пайтда хусусий клиникалар дарили барча йўналишларда фаолият юртимокда. Бугун уларнинг сони 8 мингтага етган.

Амалдаги Конституциямизнинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги муҳрлаб қўйилган. Аммо шу билан бирга, халқимизнинг тиббий ёрдам бўйича қонунда белгиланган ҳуқуқлари, имкониятлари, бундан ташқари, давлатнинг турли мулк шаклларида фаолият юритаётган соғлиқни сақлашнинг барча турларини ривожлантириш борасида зарур чораларни қўриши бўйича мажбуриятлари конституциявий даражада тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Дунёда коронавирус пандемияси хавфи кучайиб бораганида мамлакатимизда санитария-эпидемиология хизмати-нинг институционал асослари ва ташкилий тузилмаси тубдан тақимлаштирилди. Аҳолининг санитария-эпидемиология сооийшталлиги ва жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасига қарам оладиган яхлит тизими яратилди, санитария-эпидемиология хизмати-



нинг яқин ва ўрта истиқболдаги ривожланиши белгилаб олинди, моддий-техника база мустаҳкамланди.

Бу каби муҳим чора-тадбирлар давлатга санитария-эпидемиология сооийшталлигини кафолатлаш масъулиятини консти-

титуциявий даражада мустаҳкамлашни тақозо этаётди. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимизда босқичма-босқич тиббий сурғат тизими жорий этилмоқда. Бу эса Бош қомусимизда давлат тиббий сурғатнинг турли шакллари учун имкониятлар яратилиши билан боғлиқ нормаларни акс эттиришини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонуначилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари, Конституциявий комиссия аъзоси.

МАҚСАД — ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

Конституция мамлакат ҳуқуқий тизимининг асоси бўлганлиги сабабли унинг бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устуворлиги қонунда белгиланган ва мустаҳкамланган бўлади. Демак, Конституция доимо жамиятда бўлаётган ўзгаришларга ҳамоман равишда бўлиши, янги тарихий даврга жавоб бериши ҳамда мамлакатда демократик ўзгаришлар изчил давом этишига имконият яратиши лозим.

Агар дунё мамлакатлари конституциялари тарихига назар солинадиган бўлса, фақат XXI асрнинг ўзида 90 га яқин давлатлар конституцияларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилганига гувоҳ бўламиз. Бундай конституцион ўзгаришлар мамлакатлардаги туб ислохотларни қўлаб-қувватлаш мақсадида бошланганлиги ва жамиятдаги ўзгаришлар даврига тўғри келганлиги боис халқ томонидан қабул қилинган. Чунки қоида тарихиса, конституцион

нафақат тақлиф, балки Конституциянинг қайси моддалари ва бобларига янгиликлар киритиш бўйича тўққизта асосий йўналиш белгилаб берилганлиги диққатга сазовор.

Авваламбор, бу галги конституциявий ислохотлар Ўзбекистонда бугунгача ишланган "давлат — жамият — инсон" тамойили энди "инсон — жамият — давлат" тамойилига ўзгариши натижасида барча ислохотларнинг замирида инсон манфаатларини таъминлаш вазифаси қўйилганлиги билан ажралаб туради.

Жамиятнинг асосий бўғини оила эканлиги Конституциямизда мустаҳкамланганлиги Бош қомусимизнинг бошқа мамлакатлар конституцияларидан ўзига хослигини белгилаган. Лекин оилада катта алоқ қилишлари ҳамда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, болалар меҳнатига йўл қўймаслик қондалари, ёшларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари Конституцияга киритилиши оила ва ижтимоий давлат мақомларини мустаҳкамлашга олиб келади. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан конституцион норма сифатида "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойили қабул қилиниши тақлиф этилмоқда.

Ақли, шижоати, ҳеч қандам кам бўлмаган ёшларни тарбиялаш ва уларни Ренессансга за-



мин яратиш мақсадида мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституцион даражада мустаҳкамлаш ҳам бугунги кун талабидир.

Бугунги кунда инсониятнинг табиатга зарарли таъсири натижасида қўлаб экологик муаммолар вужудга келди. Шунинг учун Конституцияда ўз ақсини топган инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари қаторига экологик ҳуқуқлари тўғрисида моддалар киритилиши таъкидланди. Қолаверса, конституциявий ислохотларни ўтказиш мобайнида ҳорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганши ва таҳлил қилиш ҳам эътибордан четда қолмайди, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз Конституциясини амалга оширилаётган улкан ислохотлар асосида тақомиллаштиришда нафақат ҳуқуқшунослар, депутатлар, сенаторлар, сибсатшунослар, балки ҳар бир фуқаронинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Шунда Бош қомусимиз халқимиз томонидан берилган мингглаб тақлифлар асосида чинакам халқлик Конституцияга айланиши, шубҳасиз.

Ноҳира ЖОНИБЕКОВА, Олий Мажлис Қонуначилик палатаси депутати.

Нуктаи назар

ислохотлар жамиятнинг барча қатламларининг келишув асосида ўлкасизлашган жараёнлар.

Ўзбекистон Конституцияси 1992 йилда қабул қилинган бўлса-да, бугунги кунга қадар унга бир неча мартаоғза ўзгаришлар киритилди ва ушбу ўзгаришлар Бош қомусимиз эволюциясига ўз хиссини қўшди, десак, ҳато бўлмайди. 2021 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловлари чойнда мамлакатимиз фуқаролари, сиёсий партиялар ва кенг жамоатчилик вакиллари фикрлари асосида давлатимиз раҳбари мамлакат Асосий Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги ташаббус билан чиққанди. Бунда

Бунёдкорлик



ПАРКЕНТАДА «ЗАРКЕНТ» САНАТОРИЙСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимизда янги сийхаттоҳлар барпо этиш ва шу орқали меҳнатқашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Таҳлилларга кўра, Федерация тизимида 23 та санаторий ва битта дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда ана шундай масканлар сони яна биттага кўпайди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан жаҳон стандартлари талаблари асосида барпо этилган муқташам "Заркент" санаторийси фойдаланишга топширилди.

Унинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Олий Мажлис Қонуначилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Хожиматов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Курбанов, шунингдек, вазирилик ҳамда идораларнинг масъул ходимлари, нурунийлар, маҳалла фаоллари, устоз ва мураббийлар, ёшлар ҳамда таниқли ижодкорлар қатнашди.

Тадбир аввалларида санаторий худудида ташкил этилган, яхлит ҳолатда ташкил этилган. Яъни ётоқхона, даволаш бўлими, ошхона, клуб, кутубхона, маъмурий бўлим, лаборатория ва бошқа хизматлар бар бинонинг ўзида жойлашгани боис дам олиб, даволанувчилар учун шарт-шaroитлар яратилган. Сийхаттоҳдаги барча қоналар энг замонавий меъбел ва анжомлар билан жиҳозланган.

Шунингдек, янги сийхаттоҳ худудида кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, боб ва гулзорлар барпо этилди. Янги санаторийдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари, уни замонавий меъбеллар ва инвентарлар, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишларига Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан 50 миллиард сўмдан ортиқ маблаг йўналтирилди.

Яна бир муҳим жиҳат, ушбу санаторийнинг ишга туширилиши натижасида юзга яқин янги иш ўринлари яратилиб, маҳаллий аҳоли вакиллари иш билан таъминланди. Умуман олганда, мазкур санаторий Тошкент вилояти ва мамлакатимизнинг меҳнатқаш халқига муносиб тўғра бўлди, десак, муболага эмас.

Ҳуқуқий ҳолати яхши бўлган, меҳнатқаш халқимизга муносиб тўғра бўлди, десак, муболага эмас.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси Агентликининг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбирлик пункти шарҳловчиси Довуд Абдуллоев ва фотомухбири Мақсад Хабибуллоевга онаси **Улғаж ҚАЛБАЕВАННИГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-қоғозни телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташкилотнинг кўлаб олиш учун QR-қоғозни телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТАХРИРГАТ КЕЛГАН ҚЎЗАҒМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обуюнни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг подлиграфия ҳақидаги сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Соибназаров.
Мусахҳчи — Ш. Машраббев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА Яқини — 23.05 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6